

Фикҳ дарслари: (235-дарс) Саждаи саҳвнинг саломдан кейин бўлишига далил



19:00 / 16.06.2023 2318

هُلِّلَا يَضَرُّ هَلَلَا ذُبَعٌ نَع
يَلَّصِ هَلَلَا لُؤْسَرٌ نَأُ هُنَع
يَلَّصِ مَلَّسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا
هُلَّ لِيَقَفِ، أَسْمَخَ رُهُظَلَا
أَمْ وَبَلَّاقَفِ؟ أَلَّصَلَا يَفَدِيَزَأُ
أَسْمَخَ تَيَّلَّصِ بَلَّاقِ؟ كَأَذ
أَمْ دَعَبِ نَيَّ تَدَجَّسَ دَجَّسَفِ

هُسْمُ خُلَا ءَاوَر . مَلَس

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пешинни беш ракъат ўқидилар. Бас, у зотга:

«Намозда зиёда бўлдимиз?» дейилди.

«Нима учун?» дедилар.

«Беш ракъат ўқидингиз», дейилди. Ул зот салом берганларидан кейин икки саҳв саждасини қилдилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Мисоли: қироатдан олдин рукуъ қилиш, учинчи ракъатга туришни ташаҳҳуддан зиёда орқага суриш, махфий нарсани ошкора қилиш, қаъдаи аввални тарк қилишлардир. Буларнинг ҳаммаси тарки вожибга киради.

Бу жумлада саждаи саҳвнинг бир неча сабабларига мисоллар келмоқда.

Қироатдан олдин рукуъ қилиш рукни олдинга суришдир.

Бу ҳолда саждаи саҳв қилиш вожиб бўлади.

Учинчи ракъатга туришни ташаҳҳуддан зиёда орқага суриш рукни орқага суришдир.

Агар биринчи қаъдада ташаҳҳудни такрор ўқиса ёки «Аллоҳумма солли ала Муҳаммад» гача ўқиб юборса, учинчи ракъатга туришни кечга сургани учун саждаи саҳв қилиш вожиб бўлади.

Махфий нарсани ошкора қилиш вожибни ўзгартиришга мисолдир.

Умуман, жаҳрий ёки сиррий қироат қилиш қондасига хилоф қилиб, пешин ва аср намозларида овоз чиқариб, бошқа намозларда овоз чиқармай қироат қилиш имом учун саждаи саҳвни вожиб қилади.

Қаъдаи аввални тарк қилиш вожибни тарк қилишдир.

Умуман, намозда ҳар бир вожиб амални тарк қилиш саждаи саҳвни вожиб қилади.

Муқтадийнинг унутиши сабабли саждаи саҳв вожиб бўлмайди, балки имомнинг унутиши ва сажда қилиши ила бўлади.

Агар муқтадий ўзи сажда қилса, имомига хилоф қилган бўлади. Шунинг учун муқтадий имомга иқтидо қилиб туриб саждаи саҳв қилишга лойиқ хато қилса ҳам, унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Аммо имом бир нарсани унутса, хатога йўл қўймаган муқтадийга ҳам саждаи саҳв вожиб бўлади. Бунинг учун унутган имом саждаи саҳвни қилиши шарт. Агар имом унутиб қўйиб, кейин саждаи саҳвни қилмаса, муқтадий ўзича саждаи саҳв қила олмайди.

Кейин келиб қўшилган (одам) имоми билан саждаи саҳв қилади ва кейин ўзи қолганини қазо қилади.

Намоз бошланганидан кейин келиб қўшилган одамни «масбуқ» дейилади. Ўша масбуқ келиб қўшилгандан олдин ёки кейин имом саҳв қилган бўлса ва саждаи саҳв қилса, масбуқ ҳам у билан қўшилиб қилаверади. Имом саждаи саҳвни ҳам қилиб, намозни тугатганидан кейин масбуқ туриб, қолганини ўқиб олади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.